

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Навоий давлат педагогика институти

«Ижтимоий фанлар кафедраси»

Н.Сафарова

“Сиёсатшунослик” фанидан
Очиқ маъруза матни.

Мавзу: «Мафкура ва сиёсат»

Очиқ маъруза “Ижтимоий фанлар”
Кафедрасининг 2010 йил « 15 »
Декабрь № 5 сонли мажлисида
тасдиқланди ва тавсия этилди.

Мавзу: Мафкура ва сиёсат.

Режа.

- 1.Ғоявий бўшлиқнинг юзага келиши ва ягона мафкура хукмронлигининг салбий жиҳатлари.
- 2.Мафкуравий плюрализм ва унинг жамият тараққиётидаги аҳамияти.
- 3.Инсон ва жамият ҳаётида ғоя ва мафкураларнинг намоён бўлиш шакллари.

Ижтимоий тараққиёт тарихидан маълумки, ғоя ва мафкуралар доимо инсон ва жамият ҳаётида етакчи мавқеаларни эгаллаб келган.

Бунинг сабаби нимада? Ҳар қандай халқ, миллат, давлат ўзига хос ривожланиш йўлини танлар экан, олдига муайян мақсад ва вазифаларни қўяди. Мақсадга эришиш учун эса ҳар бир жамият ўзида мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятларни ишга солади. Бу борада жамият ўз мақсадига эришиш йўлида бир қатор вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қилади. Бу вазифалар жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти, ижтимоий иқтисодий, сиёсий–маърифий, таълим-тарбия ва мафкуравий жараёнларнинг узвий бирлиги асосида рўй беради. Бутун бир жамиятнинг, миллат ёки давлатнинг, муайян ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжлари, мақсад ва интилишлари, ҳамда ижтимоий маънавий ривожланиш принциплари эса муайян ғоя ва мафкураларда ўз ифодасини топади. Жамиятнинг умуммақсадига эришиш йўлида ғоя ва мафкуралар бутун жамиятни, халқни, миллатни бирлаштиради, мавжуд имкониятларни ишга солишга жамиятнинг ижтимоий иқтисодий, сиёсий маърифий, таълим тарбия ва мафкуравий жараёнларида белгилаб олинган вазифаларни амалга оширишга сафарбар этади. Ушбу жараёнда инсон ва жамият аъзоларининг мустақил дунёқарашга эгаллиги, озод ва эркин шахс сифатида фаол ҳаракатлари, мавжуд қонунларга риоя этиши, ўз ҳақ-хуқуқлари ва бурчларини аниқ ифодалаш, интеллектуал салоҳияти кабилар муҳим аҳамият касб этади. Кўриниб турибдики, инсон ва жамият ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Зеро жамият ҳаётининг барча соҳаларида рўй берадиган ҳар бир ўзгариш, янгиликлар ва турли жараёнлар аввало инсон истиқомат қиладиган, фаолият юритадиган ижтимоий воқеаликда акс этади. Инсон эса ҳеч қачон ўзини атрофида рўй бераётган ҳодисалар, воқеалардан ажралган, уларни ҳис этмаган ҳолда, уларнинг таъсирисиз яшай олмайди. Инсоннинг яшаётган оламида халқлар, миллатлар ёки маълум бир ижтимоий – сиёсий кучлар ҳатти-ҳаракатлари туфайли бўладиган ҳодиса ва жараёнлар албатта инсон онги, дунёқараш, тафаккури ва эътиқодига таъсир кўрсатади. Инсон аввало ўзи яшаётган жамиятнинг маданияти, дини, қадриятлари, илм-фан ютуқлари ва ижтимоий муҳитининг ўзига хос томонларини ўзлаштиради, яъни мослашади. Инсон шу билан бир қаторда ўзининг мустақил дунёқараш, тафаккури табиий ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлари асосида жамият воқелигига ҳам ўзгартиришлар киритади. Ўзгартиришлар, янгиланишлар эса алоҳида бир инсондан тортиб, бутун бир жамият ёки давлат, халқнинг туб манфаатлари негизидан умумий мақсадларини юзага келтиради. Инсон ва жамият олдига қўйган мақсадлари ғоя ва мафкураларда ўз ифодасини топади.

ғоя ва мафкуралар диний, илмий, бадиий маълум бир маконда ва замонда вужудга келиб, ўз умрига эга бўлади. Баъзи бир ғоя ва мафкуралар жамият ривожига хисса қўиши, ўзининг барча янгилик жиҳатларини намоён қилиши, ўз умрини яшаб бўлиб тарихга айланиши мумкин бўлса, баъзи ғоя ва мафкуралар инсоният тарихи каби қадимий бўлиб, ўзида доимо инсониятни тараққиётга етакловчи, инсон ва жамиятни мақсад йўлида бирлаштирадиган, сафарбар этадиган мазмунни ифодаловчи, ҳар қандай янги илгор ғояларга нисбатан бағрикенг бўлиши, уларни ўзига сингдирувчи ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера оладиган мазмунга эга ва бўлиши мумкин.



Сиз инсон ва жамият ҳаётида шаклланган ва умрбоқий яшаб келаётган ғоя ва мафкуралар ҳақида нима биласиз?

Тарихдан маълумки, инсон ва жамият ҳаётида доимо тараққиётга етакловчи ғоя ва мафкуралар билан биргаликда: айрим ёвуз, ғаразғўй ижтимоий гуруҳлар, кучлар ҳам алоҳида тор чекланган мазмунга эга ғоя ва мафкуралари билан ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилган. Улар жамиятнинг умуммақсадларидан кўз юмган ҳолда инсон ва жамият аъзоларининг эркин ҳатти – ҳаракатлари, бунёдкорлигини бўғиб, уларни зўравонлик билан ўзларининг тор доирадаги худбин манфаатлари йўлига буришга интилиб келганлар. Шу ўринда ўз тараққиёт йўлини аниқлай олмаган, мақсадлари йўлида бирлашмаган, мафкуравий парокандалик ҳукм сураётган халқлар, давлат ёки жамиятлардан улар ўз мақсадларига эришишда восита сифатида фойдаланганлар,

Ҳаётда мақсади, юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган инсон ва жамият аъзолари табиий эҳтиёжлар билан чегараланиб маънавий юксакликка эришиши қийин бўлади.

«Шу сабабли барча давлатларда инсон ва жамият ўз мақсад–муддоларини ифода этадиган манфаатига зид бўлган зарарли ва бегона ғояларга қарши туради, ҳар бир халқ, миллат ва жамият ўз манфаатига хизмат қилиб, унинг тараққиётини таъминлашга ёрдам берадиган муайян ғояга эҳтиёж сезади».

«Миллий истиқлол ғояси» Ўзбекистон Республикаси олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. Т. «Академия» 2005 й 39 бет.

Чунки ғоя ва мафкуралар маълум бир миллат ва халқнинг мақсадларини ўзида ифода этади, манфаатлари негизида вужудга келади ва ривожланади. Инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўзгаришларни амалга оширишда муайян ғоялар муҳим ўрин тутати. Жамият тараққиётининг маълум бир даврларида юқори босқичга кўтарилиши ёки орқага кетиши, жамият ҳаётида барқарорлик ва беқарорликнинг қарор топиши шу жамиятда қандай ғоя ва мафкуралар амал қилганлигига улар жамиятнинг барча ижтимоий қатламларининг ёки айрим тор доирадаги ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ифода қилаётганлигига боғлиқ бўлади.



Инсон ва жамият ҳаётида ғоя муҳим ўрин тутар экан унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

! Ғоя бу:

- Инсон тафаккури маҳсули:
- Олдин мавжуд бўлмаган, ўзида янгиликни ташувчи фикр
- Маълум билимларни ифодалайди
- Кенг жамоатчиликни туб мақсадларини ифодалайди.
- Ижтимоий ҳарактерга эга
- Илгор ғояларни ўзига қабул қилувчи.

Ғоянинг энг муҳим хусусияти - Инсонни ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган уларни ҳаракатга келтирадиган куч эканлигидадир.

Аммо инсон ва жамият ҳаётида доимо тараққиётга асос бўлувчи ғоялар шаклланмаган. Чунки инсоният ҳаётида ҳар доим эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш мавжуд. Ҳаётда рўй берадиган вайронагарчиликлар, шафқатсизликлар ёвузликнинг натижаси бўлса, буюк маданий тараққиётлар, миллий уйғонишлар, илм фан ривожига ёвузлик билан бирга яшаётган ва унга қарши курашиб келаётган эзгуликнинг тантанаси ҳисобланади. Шу ўринда ғоялар ҳам соғлом ва носоғлом, эзгу ҳамда ёвуз, бунёдкор ёки бузгунчи ғоялар бўлиши мумкин.

Ғоялар дастлаб муайян бир шахс онгида шаклланади. Агар ўз моҳиятига кўра ушбу ғоялар кенг доирадаги инсонлар манфаатлари, мақсадларини ифода этса, соғлом, эзгу, бунёдкор мазмунга эга бўлса жамият турли қатламларига, наинки, битта миллат ҳаётида, балки турли миллатлар, халқлар орасида ҳам тарқалади. Худди ана шундай ғоялар асосида эса мафкуралар вужудга келади. Масалан диний тасаввурларнинг энг қадимги

шаклларидан бири бўлган, тотемизмда – уруғ, қабила хусусан, шу уруғ ҳар бир аъзосининг ҳаёти ва фаровонлиги айна шу уруғнинг ҳақиқий аждоди ҳисобланган «тотем» - ўсимлик ёки ҳайвонга боғлиқ деб ишонилади.

Инсониятнинг энг қадимги даврларидаги жуда содда бўлган ушбу диний тасаввурлардан ҳам маълум бир мақсад, яъни гуёки ҳаммалари битта тотем (бирон ўсимлик ёки ҳайвон турлари) дан тарқалганлигини ифодалаган ва уруғ шу асосда жамоада ўзаро бирликни сақлаш, ҳаётнинг оғир давларида бирга бўлиш, парокандаликнинг олдини олишга интиланлар, яъни кишилик жамияти энг қадимги даврларида ҳам ўз даври имкониятлари ва тафаккур даражасига ҳос равишда маълум бир ғояларга эҳтиёж бўлган. Жамият ҳаётининг кейинги тараққиёт босқичларида шаклланган жамиятнинг турли таркиби, қатламлари, ҳар хил эҳтиёж ва мақсадлар эса ғоя ва мафкураларни янада мукаммаллашган, даврга мослашиш хусусиятига эга бўлишига олиб келган. Демак, жамият ғоя ва мафкураларсиз мавжуд бўлмайди. «Чунки., мафкура– жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради»

Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси, халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т. Ўзбекистон, 2000, 6– бет.

Ҳақиқатдан барча даврларда ҳам ҳар бир давлат, халқ ва жамиятнинг ўзига ҳос ғояси ва мафкураси бўлган, ғоя ва мафкураларда жамиятнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсадлари ва вазифалари бўлиб, бусиз жамият ва инсон ўз йўлини йўқотади.

Ғоя ва мафкура тушунчалари бир-бирига яқин бўлса-да, уларни айнанлаштирмаслик керак. Нима сабабдан ?

«Ғоя» ва «мафкура» тушунчаларини айнанлаштирмасликнинг қуйидаги сабабларини кўрсатиш мумкин:

- ◆ мафкура ғояга нисбатан кенгроқ мазмунга эга тушунчадир.
- ◆ ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни сақлаб қолишга ёки ўзгартиришга қаратилганлик мафкуранинг ўзагини ташкил этади;
- ◆ ҳар қандай ижтимоий ғоя фақат маълум бир мафкуравий қарашлар доирасидагина ўзининг уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятини намоён қила олиши мумкин.

Мафкуралар ҳам ғоялар сингари намоён бўлади ва мазмунига қараб вайронкор ва бунёдкор мафкураларга бўлинади. «Ғоя» ва «мафкура» тушунчаси ўзининг юқорида қайд этилган сифатлари, хусусиятлари билан «муайян давлат, жамиятда ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлигини унга ҳос принципларнинг ўзгармас ақидалар тарзида жамият ҳаётида қатъий ва мутлақ тартибда ўрнатилишини ифодалайди.

Бирон бир мафкуравий тизим ягона илмий жиҳатдан асосланган энг адолатли, жамиятдаги муайян қатлам манфаатларини ифода этувчи мафкуралардан тубдан фарқ қилади.

Миллий истиқлол ғояси. Дарслик Т. «Академия» 2005 й 41 – бет.

Чунки ягона ҳукмрон мафкура бунёдкор ғоя ва мафкураларга зид ўлароқ ўзининг мақсади, мазмуни билан ундан фарқ қилувчи ғоялар, қарашларни ёт, зарарли мафкуралар деб талқин этади. Фикрлар ранг-баранглиги инкор этилади. Демак, инсон ва жамият ҳаётида ягона мафкура ҳукмронлиги ижтимоий ҳаётнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади, фикрлар эркинлигини бузади.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси эса жамиятни жипслаштиришга, мавжуд имкониятларни ишга солишда ёки муаммоларни бартараф этишда, эркин ва фаровон келажакни барпо этишда ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг ўзига ҳос ўрни, бурч ва маъсулиятини ҳис қилишга сафарбар этади.

Демак, мафкура бўлмаса ҳар қайси давлат ва жамият қолаверса, ҳар қандай инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррардир. Шунинг учун инсон ва жамият ҳаётида мафкуравий бўшлиққа ўрин қолдирмаслик керак.

Бугунги кунда ҳар бир давлат дунё воқелигида юз бераётган мафкуравий жараёнларни тўғри баҳолай олиши лозим. Акс ҳолда бу хатарли бўлади. Айниқса ёш давлатлар (масалан Ўзбекистон) ўз вақтида мафкуравий таҳдидлардан ҳимояланишни амалга ошириши лозим. Бу жараён бевосита Ўзбекистонда мафкуравий профилактика орқали амалга оширилмоқда. Авваломбор ҳар бир давлат, миллат ўз манфаатларини амалга оширишга кенг имкон берадиган вазиятни пойлаб турган ғаразгўй қатламлар учун қўл келадиган мафкуравий беқарорликнинг олдини олиши лозим. Мафкуравий бўшлиқ асосан, муайян бир ҳудудда давлат тизими бир ижтимоий иқтисодий тизимдан бошқасига ўтишида юз беради. Мафкуравий бўшлиқ юзага келган вақтда ёт мафкуралар таъсири кучаяди, ёт мафкуралар билан янги шаклланаётган миллий мафкура ўртасида муросасиз кураш боради. Бундай беқарорлик ижтимоий ҳаётга салбий таъсир кўрсатади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу – интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз. Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя ҳатти – ҳаракатлар, ёвуз ишлар аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда»

И.А.Каримов Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т. «Ўзбекистон» 2000 й 7 – 8 – бет



Хўш, ғоявий бўшлиқ нима?

ғоявий бўшлиқнинг юзага келишига энг аввало қуйидагилар сабаб бўлади;

- ◆ чуқур ижтимоий – сиёсий, маънавий – психологик муаммолар ва жараёнларда беқарорлик;
- ◆ жамиятда бу соҳада тарбиянинг етарли эмаслиги;
- ◆ мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолича ташлаб қўйилганлиги;
- ◆ жамиятда мавжуд ғоя ва мафкуралар эскириши ва замон талабларига мувофиқ янги ғоя ва мафкуралар шакллантирилиши англаб етилмаган ҳолда.

Демак, ғоявий бўшлиқ умрини ўтаб бўлган ғоя, тараққиёт нуқтаи назаридан инкор эътилган вақтда, жамиятда янги бир илғор фикрнинг шаклланишига муҳтож бўлганда ҳамда эҳтиёж ва зарурият англаб етилмаган пайтда юзага келади.

ғоявий бўшлиқ мамлакат хавфсизлигига ва фуқаролар осойишталигига жиддий хавф солади. Чунки ғоявий бўшлиқ, ғоявий заифликка, ғоявий парокандаликка олиб келади. Жамиятнинг, халқнинг ғоявий бирдамлигига, қудратига путур етади, натижада давлатлар, халқлар иқтисодий, сиёсий қарамликка, мафкуравий исканжага тушиб қоладилар. Тарихда бундай воқеалар жуда кўп бўлган. Масалан: Чор Россияси истилоси даврида рус аскарларига қарши курашда Бухоро амирлиги, Хива ва қуқон хонликларининг ўзаро бирлаша олмай тарқоқ ҳолда (келишмовчиликлар асосида) умумий душманга қарши курашиши уларни мағлубиятга олиб келди. Уларни халқни бирлаштириб душманга қарши курашга сафарбар қила олмаганлиги охир оқибат юртимизни қарамлик чангалига ташлади.

Жамиятдаги барча қатлам ва гуруҳларни ягона куч сифатида умумий мақсадлар йўлида бирлаштирадиган жамият мафкурасигина ғоявий парокандаликка барҳам бера олади?

Ўз келажagini ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият ғоявий бўшлиқ ва мафкуравий парокандаликка йўл қўймаслиги, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга илғор фикрлар, улуғвор мақсад ва эзгу ғояларни инсонлар қалби ва онгига сингдиришга ҳаракат қилиши лозим.

Умуман олганда ғоявий бўшлиқни олдини олиш учун жамиятда мафкуравий профилактика жараёнини ташкил қилиш, шу асосда жамиятдаги барча фуқароларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз лозим. Чунки «ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз

ҳам ўз фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур».

Каримов И.А Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т. «Ўзбекистон» 2000 й бет-12



Мафкуравий иммунитетни кучайтириш воситаларига мисоллар келтиринг.

1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ	4 гуруҳ
Ўқитувчи хулосаси			

Инсон ва жамият ҳаёти ғоя ва мафкуралар билан узвий боғлиқ эканлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишда ҳамда жамиятда барқарор демократик тамойилларга асосланувчи тараққиётга эришишда ғоя ва мафкураларнинг қандай мазмунни ифода этиши, намоён бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Хусусан инсон ва жамият ҳаётининг ривожда ижтимоий сиёсий ҳаётда фикрлар, қарашлар, ғоялар, мафкуралар хилма – хиллигининг эътироф этилиши, жамият ҳаётининг унга асосланиши муҳимдир. Чунки бундай жамиятда онг ва тафаккур эркинлиги шаклланади.

Тафаккур эркинлиги нимага хизмат қилади?

Агар жамиятда фикрлар, қарашлар, ғоялар хилма – хиллиги амал қилса, инсоннинг ўрни янгича маъно касб этади! Онг ва тафаккур эркинлиги фикрлар хилма – хиллигини юзага чиқаради. Мамлакатнинг куч қудрати ортади.

ЎИ.Эргашев, Б.Шарипов, М.Жакбаров. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. Т «Академия» 2002 й, 20-бет.

Жамиятни демократиялаштириш жараёни сиёсий партиялар фаолиятининг такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ сиёсий партиялар мамлакатимиз ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши уларнинг аввало, ўз сиёсий мақомини аниқ идрок этиши, жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрни, мақсад ва вазифаларига мос амалий фаолият кўрсатаётганлиги билан белгиланади. Сиёсий партияларнинг фаолиятини такомиллаштиришдан асосий мақсад–жамият аъзолари манфаатларининг уйғун тарздаги мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилишдир.

Зеро президентимиз таъкидлаганларидек, *«сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар халқ билан ҳокимият ўртасида асосий боғловчи бўлган демократик институтга тезроқ айланиши зорат муҳимдир. Жамиятда барқарорликни сақлаш зарурлиги ҳақида гапирар эканмиз сиёсий институт сифатидаги муҳолифат масаласини тилга олмаслик мумкин эмас. Бундай институтнинг мавжуд бўлиши демократик жамият учун шарт бўлган нормал ҳолдир».*

Каримов И.А Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон» 1997 й. 175-бет.

Ўзбекистонда фикрлар ранг–баранглиги ифодаси сифатида кўппартиявийлик амал қилади. Амал қилаётган кўппартиявийлик тизимидан кўзланган мақсад ҳақида.



Демократия ва кўппартиявийлик тизими деганда?

Бугунги кунда Ўзбекистонда қуйидаги сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракатлар фаолият кўрсатмоқда.

Партия номи	Ташкил булган йили
Ўзбекистон халқ демократик партияси	1991
Ўзбекистон фидокорлар миллий демократик партияси	1998
Адолат социал-демократик партияси	1995
Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси	1995
Ўзбекистон либерал демократик партияси	2005

Бугунги кунда сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқ энг муҳим ютуқлардан бири «бир партия»ли тизимга барҳам берилиб кўппартиявийлик тизимига ўтилгани бўлди. Кўппартиявийлик омилининг афзаллиги шундаки; сиёсий партиялар мамлакатдаги турли хил фикр, қараш ва манфаатларини англашда ўзига хос дунёқараш, муносабат тамойиллари билан фарқланадиган ижтимоий гуруҳ қатламларини бирлаштириб, уларга таянган ҳолда мамлакат олдида турган умумий мақсад йўлида мамлакат ҳар бир фукаросининг ҳоҳиш – иродасини, ҳақ – ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Ҳозирги сиёсий жараёнларда аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш муҳим аҳамият касб этаётганлигини, унда партияларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаш лозим.

«Мафкуравий плюрализм (лотинча Pluralis – хилма – хиллик, ранг баранглиklar) – ижтимоий – сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи гоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма – хиллигини ифодалайди. Инсон ва жамият ҳаётида гоялар ва мафкуралар хилма –хиллигининг намоён бўлиши ижтимоий – маънавий эҳтиёж»

Миллий истиқлол ғояси. Дарслик Т. «Академия» 2005 й бет-47

«Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма – хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 12-модда. Т. «Ўзбекистон» 2003 й бет-6

Жамиятда ғоя ва мафкуралар хилма –хиллигининг юзага келишида инсонларнинг ўзлари яшаётган борлиқдаги (Яъни ижтимоий ва табиий) ҳодисаларни, олам ва одам муносабатларини турли хилда инъикос эттириши ва турлича изоҳлаши муҳим омил ҳисобланади. ғоя ва мафкуралар хилма –хиллигининг мавжудлиги сабабларидан яна бири – бу жамиятда турли ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг шаклланишидир. Чунки уларнинг мақсад муддаолари манфаатлари бир–биридан фарқланади. Ўз–ўзидан равшанки, мақсадларни, манфаатларни, орзуларни акс эттирадиган ва уларни амалга ошишига хизмат қиладиган ғоялар турлича бўлади. Яъни ўз олдига қўйган мақсади ва қайси ижтимоий гуруҳлар манфаатига хизмат қилишига қараб ғоялар турлича бўлади. Демак жамият ҳаётида турли фикрлар бўлиши, ғоялар ранг–баранглигининг намоён бўлиши табиий жараён ёки бошқача айтганда ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос қонуниятдир. Аммо ғоя ва мафкуралар хилма–хил бўлсада, уларнинг ўзаро умумий жиҳатлари ҳам бўлади.

Демак, жамият тараққиётида ягона мафкура ҳукмронлиги эмас, балки илғор ғоялар, мафкуралар ранг–баранглиги ҳукмрон бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида мафкуралар ва фикрлар хилма–хиллигига алоҳида эътибор берилади. Бир бутун жамиятда фикрлар ранг–баранглиги шу жамиятда мавжуд ижтимоий қатламларнинг турличалиги билан ифодаланса, сайёрамиздаги халқлар, миллатлар, мамлакатлар ва давлатлар ҳам бир–биридан диний эътиқоди, миллий маданияти билан фарқланади. Демак улар бир–биридан ўзига хос менталитети, мақсадлар ва тараққиёт йўллари турличалигидан, уларни ифода этувчи ғоя ва мафкуралари ҳам ранг–баранг бўлади.



Сиз жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар умумжамият мақсадларини ифодаловчи мафкураларни биласизми?

Умуман олганда жамиятда фикрлар, мафкуралар ранг– баранглиги тараққиётни ифодалайди, аммо фикрлар ранг– баранглиги ва қарашлар хилма–хиллиги муайян жамиятнинг миллий манфаатларига, умумбашарий қадриятларга, жорий қонунчилик нормаларига, ахлоқий мезонларга зид бўлмаслиги лозим. Жамиятда ўз шакл ва мазмунини ифода этаётган ғоя ва мафкураларга нисбатан юқоридагидек талабнинг қуйилиши сабаби мавжуд. Яъни инсон ва жамият ҳаётида ғоя ва мафкураларнинг барчаси ҳам бунёдкор мазмунга эга бўлмаслиги, аксинча тажовузор, вайронкор бўлиши мумкин.

✿ *«Бунёдкор ғоя – инсонни улуглайдиган, унинг қуч–қудрати ва салоҳиятини ошириб халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафарбар этадиган, ўзида тараққиёт, маърифат, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик, поклик каби эзгу ҳис–туйғуларини мужассам этадиган ғоядир»*

«Миллий истиқлол ғояси» Т. «Академия» 2005 й бет-51.

Кишилиқ жамияти тараққиёти тарихидан маълумки, бутун дунё ривожига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимотлар ва мафкураларни яратишда улкан ақл-заковат, истеъдод, тафаккур соҳибларининг ўрнини алоҳида эътиборга молик.



Бутун дунё тараққиётига асос бўлган таълимотларни, мафкураларни яратган тарихий шахслардан кимларни биласиз ?

Одамзодга ақл-заковат билан қалб бунёдкорлигига эга бўлишдек фазилат ҳосилдир.

Бунёдкор ғоялар билан қуролланган кишилар обод ва фаровон, мул-қўлчилик ҳукм сурувчи адолатли жамият барпо этиш йўлида кураш олиб борган. Бунёдкорлик ғоялари ҳақида фикр юритганда инсоният тарихида одамлар онги ва шуурида адолат ҳақиқат, поклик каби эътиқодни шакллантирган, пайғамбар Зардушт яратган «Авесто» китобидаги юксак ғояларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги ғоявий кураш зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам ифодаланган. «Авесто»да ватанпарварлик ғояси, ёшларни тўғри тарбиялаш, табиатни эъзозлаш каби ғоялар улуғланади.

«Авесто»да акс этган Зардуштнинг «Эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални олқишлайман! Ният, сўз ва амаллар ичидан мен эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман. Мен барча қабих андиша, қабих сўз ва қабих амалдан юз бураман» деган сўзлари бугунги кунда қанчалик тарбиявий аҳамиятга эгаллигига изоҳ шарт бўлмаса керак.

«Авесто» Тарихий адабий ёдгорлик. А. Маҳкам. Таржимаси Т. «Шарқ» 2001 й. Бет-90-111

Хитой мутафаккири Конфуций (мил. ав 551- 479) нинг қарашларидаги фалсафий ва ахлоқий ғоялари марказида инсон, унинг ақлий ва маънавий қиёфаси, оламдаги, жамиятдаги ўрни, вазифаси, муаммолари туради.

Алломанинг мақсади халқни мавжуд тартиб қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш бўлган. Шарқда, яъни Турон заминида эса жамият ривожига ва бунёдкорлик ғоялари хусусида Абу Наср Фаробий, Амир Темур, Ибн Сино, А.Навоий қарашлари ўзига хос ўрин тутади.

Фаробийнинг фозил жамоа қуриш хусусидаги таълимотига адолат ғояси асос қилиб олинган. Адолат жамиятда ҳамма учун бахт – саодат эшикларини очиб берувчи, барча одамлар учун керакли ва фойдали бўлган буюк бир неъмат эканлигини таъкидлайди. Бунга эришиш учун муайян ижтимоий шарт шароитлар бўлмоғи, юксак ахлоқий ва маънавий асослар устига қурилган фозил жамоа бунёд этилмоғи лозим. Жамият ҳаётида ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни юзага қилиши адолатдандир. Демак адолат фозил ҳукмдор

раҳбарлигидаги мукамал давлатчилик фаолияти натижасида юзага чиқадиган эзгу ишлар ифодасидир.

«Фаробийнинг фикрича ҳамма учун бахт-саодат эшикларини очиб имкониятини вужудга келтириш фозил жамоанинг ўз олдига қўйган энг юксак мақсадидир. Бу мақсадни амалга ошириш учун донолик ва ақл фаросат билан иш олиб борилмоғи даркор. Донолик- бу ҳақиқий бахт хусусида назарий билимга эга бўлмоқлик. Ақл фаросат эса бахтга эришиш йўли ва воситаларини белгилаб берувчи амалий билимдан иборат».

И.Эргашев, Б. Шарипов, М.Жакбаров. «Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият» Т. «Академия» 2002 й

Умуман олганда бунёдкорлик ғоялари ва мафкуралар ҳар доим инсон, жамият тараққиётига асос бўлган. Уларни бунёдкорликка ундаган.

Аммо инсоният ҳаётида эзгулик ва ёвузлик ўртасида абадий кураш давом этиб келмоқдаки, бунинг сабаби эзгулик ғоялари билан бир пайтда инсон ва жамият ҳаётида ёвуз ғояларнинг ҳам мавжудлигидир. Бунёдкорлик, эзгулик ғояларига биз юқорида таъриф бердик. *«Ёвузлик эса тарихий реакция, тараққиёт ғилдирагини орқага буриш, қора кучлар фаолияти ва ҳукмронлигини ифодалайди. Бу ғоялар ўзларида сиёсий босқинчилик ва мустабидлик интилишларини гоҳ яширин, гоҳ ошкора ифодалаган байроқ қилиб майдонга чиққанини кўрамиз»*


Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. «Янги аср авлоди» 2001 й б-26.


Бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнлар бир-биридан мазмунан, моҳиятан ҳамда мақсади жиҳатдан тубдан фарқ қилувчи икки хил йўналишда бормоқда. Прогрессив йўналишда юз бераётган мафкуравий жараёнлар ва уларнинг бутун инсоният ҳаётида глобаллашуви инсоният жамиятини ҳар томонлама ривожига муҳим омил бўлади. Мафкуравий жараёнларнинг прогрессив йўналишининг мазмунида: тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, инсон эркинлиги ва шахс камолоти, умуминсоний қадриятлар устиворлиги, инсон зотини қадрлаш ва фаровон яшашини таъминлаш каби инсонпарвар ғоялар ётади.

Реакцион кўринишдаги мафкуравий жараёнлар ўзининг тажавузкор, мақсадлари билан бутун инсоният ҳаётига, унинг барқарор ривожига таҳдид солмоқда.

Прогрессив аҳамиятга эга мафкураларнинг глобаллашуви инсоният учун ижобий ҳол ҳисобланади. Реакцион мазмундаги мафкураларнинг глобаллашуви эса бир қатор жиддий муаммоларни юзага келтиради. Ҳозирги даврда мафкуравий жараёнлар – интеграциялашиш, глобаллашиш, демократиялаштириш, инсонпарварлашиш, сиёсийлашиш, миллий чегаралар доирасида қолиб кетмаслик, жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатиш каби хусусиятларга эга.

XXI асрнинг бошларига келиб мафкуравий жараёнларнинг универсаллашуви шу даражага етдики, ундан бирор киши четда қолаётгани йўқ.





Қандай давлатлар буюк давлатчилик шовинизмига нишон бўлади?

Қандай давлатлар буюк давлатчилик шовинизмига нишон бўлади? Ҳудуд жihatдан кичик бўлган, иқтисодий имкониятлари заифлашган, ички зиддиятлари кучайган, маънавий-руҳий парокандалик ҳукм сураётган давлатлар буюк давлатчилик шовинизмига нишон бўлади.

«Тарихий тажрибада қайта-қайта тасдиқланганидек, шовинизм-авторитар тузумлар ўрнатилиши ва мустаҳкамланишини рағбатлантиради, шафқатсиз диктатурага олиб боради. У жамиятни парчалаб юборишга ва унинг оғир бўлган оқибатларини келтириб чиқаришга қодир. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик таҳдиди ҳақида фикр юритганда биз қуйидаги хавфни назарда тутамиз.

«Биринчидан: халқаро давлатлараро ва элатлараро қарама қаршилиқни келтириб чиқариш;

Иккинчидан: халқаро–ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни руёбга чиқаришга қаршилиқ кўрсатиш;

Учинчидан: Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш.

Туртинчидан: Мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш;

Бешинчидан: Миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш

Олтинчидан: ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш хавфи.

Бугунги кунда буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик нафақат Ўзбекистонга балки бошқа давлатларга ҳам хавф солади».

И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон» 1997 й. Б-57-66.

«Буюк давлатчилик шовинизмини Президент И.А.Каримов таъкидланганидек «муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро минтақавий муносабатларда унга интилиш» деб таърифлаш мумкин.

И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т.Ўзбекистон. 1997 й. Б-52

Бугунги кунда инсон қалби ва онги учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий. Бу ўринда диний эътиқод умумийлигига асосланиб, якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жihatдан бўлиб олишга интилмоқдалар. Булардан диний фундаментализм ва диний экстремизмни алоҳида кўрсатиш мумкин.



Бугунги кунда бутун дунёда инсон ва жамиятнинг барқарор тараққиётига хавф туғдираётган диний экстремистик ташкилотлар ҳақида фикрингиз?

Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар:

- ◆ диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- ◆ диний эътиқодларни фуқароларнинг хусусий иши деб тан олиш;

- ◆ динга эътиқод қилувчи ёки динга эътиқод қилмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини тенг кафолатлаш;
- ◆ маънавий тикланишда турли диний имкониятлардан фойдаланиш;
- ◆ диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслиги тамойилларига асосланади.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ва бугунги кунда нафақат алоҳида олинган бирор-бир давлатнинг хавфсизлигига балки минтақавий ва халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган ижтимоий - сиёсий, жиноий - ҳуқуқий ҳодиса - бу, терроризмдир. Терроризм - террор, қўрқитиш, ваҳимага солиш йўли билан амалга ошириладиган сиёсат ва тактикадир. Террористик ҳаракат қандай шаклда, қўринишда, йўналишда, усулда амалга оширилмасин, асосан сиёсий мақсадларни кўзлайди. Террористик ҳаракатлар бевосита алоҳида бир мамлакатнинг миллий хавфсизлигига, минтақавий ва халқаро хавфсизлигига таҳдид солади, жамиятни беқарорлаштиришга, давлат ҳокимият ва бошқарув ҳамда ҳуқуқини муҳофаза қилиш органларининг нормал иш фаолиятини издан чиқаришга қаратилади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб терроризм алоҳида олинган бирор бир мамлакат ҳудудидан чиқиб, минтақавий ва халқаро тус олмақда. Ҳозирги кунда халқаро терроризм яширинча қурол сотишдек мудҳиш жиноий ҳодиса билан чамбарчас боғланиб кетиб, жумладан халқаро терроризм билан диний экстремизмнинг бирлашиши халқаро хавфсизликка, алоҳида олинган минтақалар ва мамлакатлардаги тинчлик ва осойишталикка жиддий таҳдид солмоқда. Террорчи экстремистлар мустақил ташкилий бирликка, пухта ўйланган режага, замонавий моддий - техник воситаларига, катта молиявий асосларга эга.

Терроризмни келтириб чиқарувчи сабаблар, мутахассисларнинг фикрича, алоҳида олинган бирор бир давлатдаги ички зиддиятлар, давлатлараро муносабатлардаги келишмовчиликлар, диний зиддиятлар, ижтимоий ва этник гуруҳлар ўртасидаги қарама - қаршиликлар, миллатлар ва элатлараро низолар, сиёсий оқимлар ва гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун, уюшган жиноий гуруҳлар ва ҳамжамиятлар ўртасида ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун кураш, ўтиш даври иқтисодий қийинчиликларининг кескинлашувидир.

XX асрнинг 70 – йилларидан бошлаб терроризм халқаро миқёсидаги оғир жиноят сифатида қораланиб, унга қарши курашда давлатлар ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. «Ҳаво кемаларини қонунга ҳилоф ҳолда олиб қочишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция» (1970й), «Гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция» (1979й) лар қабул қилинган. Умуман олганда бузғунчи ғоялар ва мафкураларнинг амалга оширилиши миллатлар ва халқлар азалий маданиятнинг емирилишига, давлат ва жамият ҳаётида салбий ҳодисаларнинг кучайишига сабаб бўлган, кўплаб халқларни ўз йўлини ўзи танлаш ҳуқуқидан маҳрум этган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин турли мафкуравий, ғоявий таҳдидлар ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказмоқда. Мамлакатимизнинг мустақил тараққиётининг барқарорлиги давомийлигига раҳна, таҳдид солувчи зарарли ғояларга қарши турадиган куч бу – миллий ғоядир.

«Миллий ғоя бугунги кунда халқимиз, жамиятимиз учун ҳаётий зарурият, мамлакатимизда фуқаролар тотувлиги ва бирдамлигини таъминлайдиган тараққиётимизга кафолат бўладиган, инсонларга эзгу мақсадларига эришишда маънавий руҳий кучдир. Миллий ғоя эзгу мақсад йўлида жамият аъзоларини бирлаштиради, уларга руҳий мадад беради, ҳар қандай қўринишдаги зарарли иллатларни инкор этади. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга даъват этади»

Миллий истиклол ғояси. Дарслик. Т. «Академия» 2005 й. Б-75.

Бугунги кунда жаҳонда турли мафкуралар кишилар қалбидан жой олишга интиломокда. Бунёдкор соғлом ғоялар-тез тарқалса ва уларга амал қилинса инсон ва жамиятни тараққиётга олиб боради. Аммо тез ўринда юртимиз мустақиллигига таҳдид солувчи фуқароларимиз қалбини эгаллашга қаратилган зарарли ғояларнинг хавфини ядро майдонидаги хавфдан ҳам ортиқлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки *«ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалбини ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади»*

Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т. «Ўзбекистон» 2000 й. Б-7.



Зарарли ғояларга қарши қандай курашиш лозим?

Бунинг учун жамиятда аввало миллий истиқлол мафкурасини тўлақонли акс этишига эришмоқ керак. ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш эса жамиятдаги ҳар бир инсондан юксак даражадаги тафаккур, билимга эга бўлишликни талаб қилади. Бундан ташқари зарарли ғояларга нисбатан кучли ғоявий иммунитет зарур. Ушбу вазифани миллий истиқлол ғояси бажаради. Чунки миллий истиқлол ғояси ҳар қандай кўринишда зарарли иллатларни, зўравонликни, ахлоқсизликни, эътиқодсизликни, жаҳолат ва маърифатсизликни инкор этади, ёшлар иродасини чиниктиради, тафаккурини кенгайтиради, жамиятдаги ёт–зарарли ғояларнинг илдиз отишига қарши маърифат билан курашга ўргатади.



А) Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишларнинг намоён бўлиш шакллари.

Умуминсониятга хавф туғдираётган диний экстремистик ва диний фундаменталистик ташкилотлар ҳақида маълумот йиғиш.

Б) Инсон ва жамият тараққиётига хизмат қилган мафкураларни ўрганиш
Инсон ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатган ғоя ва мафкуралар



Нима учун инсон ва жамият ҳаёти муайян фикрлар, ғоялар, мафкурага боғлиқ ҳолда ривожланади?

- ❖ Жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти қандай жараёнларга узвий боғлиқ?
- ❖ Инсон ва жамият ўртасида қандай боғлиқлик бор.?
- ❖ қандай вазиятда ҳар бир халқ, миллат ва жамият муайян ғояга эҳтиёж сезади?
- ❖ ғоя ва мафкуралар ўзида қандай маъно ва хусусиятларни ифодалайди?



1. «Темур тузуклари» дан жамият барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ғояларни таҳлил қилиш.

2. А.Навоий асарларида ифодаланган бунёдкорлик ғояларининг бугунги кундаги аҳамиятини ёритиш

3. Жамиятни демократлаштиришда сиёсий партияларнинг олиб бораётган фаолиятлари билан танишиш.

